

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚЎШШАЕВА НАФИСА МАНСУРОВНА**

**НОСИРИДДИН ТУСИЙ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ**  
**ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**УДК: 1(09)Туси:[37:17.022.1]053.6)**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philosophical sciences**

**Қўшшаева Нафиса Мансуровна**

Носириддин Тусий маънавий-ахлоқий таълимотининг ёшлар  
тарбиясидаги аҳамияти.....5

**Қушшаева Нафиса Мансуровна**

Значение духовно-нравственного учения Носириддина Туси  
в воспитании молодежи .....23

**Qushshaeva Nafisa Mansurovna**

The importance of spiritual and moral teaching of Nosiriddin Tusi in the education  
of youth.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 48

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚЎШШАЕВА НАФИСА МАНСУРОВНА**

**НОСИРИДДИН ТУСИЙ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ**  
**ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ**

**09.00.03 – Фалсафа тарихи**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fal435 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.buxdu.uz](http://www.buxdu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Музаффаров Фируз Давронович**  
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Шодиев Рустам Тохирович**  
фалсафа фанлар доктори, профессор

**Қодиров Мухаммаджон**  
фалсафа фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz))

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**Наврўзова Г. Н.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Шарипов А. З.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори, доцент

**Саломова Ҳ. Ю.**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,  
фалсафа фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон халқларининг ахлоқий қиёфасини шакллантиришда аждодларимиздан қолган илмий-маънавий мерослар муҳим ўринга эга бўлиб, уларнинг ўзликни англаш, дунёни билиш, ҳақиқатга эришиш йўлларини излашга бўлган интилишлари инсон ва жамият тараққиёти учун зарур бўлган таълимотларнинг шаклланишига замин ҳозирлаган. Шу нуқтаи назардан, Шарқ фалсафаси тамойилларига асосланган, инсон ва билиш муаммоларига бағишланган таълимотлари жаҳон фалсафаси тарихида фалсафий антропология, гносеология ва ахлоқшунослик соҳасини ўзига хос тадқиқот услублари, амалий тажрибалари билан бойитган алломалар илмий меросини тадқиқ этиш зарурати намоён бўлмоқда. Айниқса, Носириддин Тусийнинг жамиятдаги ижтимоий-маънавий парокандаликни барқарорлаштириш мақсадига қаратилган ташаббускорлик фаолиятини, ҳурфикрлиликка, илмга чорловчи ғоя ва фалсафий қарашларининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини аниқлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида гуманистик характерга эга бўлган маънавий-ахлоқий йўналишдаги фалсафий тадқиқотларга улкан ҳисса қўшган мутафаккирлар илмий меросини, уларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги ижтимоий тараққиёт инсоннинг маънавий-руҳий, ижтимоий қиёфасига таъсири инсон маънавий борлигини бир бутун, яхлит тизим сифатида ўрганиш заруриятини кўрсатмоқда. Шу жиҳатдан, Носириддин Тусий маънавий-ахлоқий таълимотининг ёшлар тарбиясида “Ахлоқи-Носирий”, “Адаб-ул мутааллимун” ва “Авсоф ул-Ашраф” асарлари ва уларда илгари сурилган диний-ирфоний қарашларнинг ғоявий-тарбиявий иммунитетни шакллантиришдаги аҳамиятини фалсафа тарихи контекстида очиқ бериш заруратга айланмоқда.

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-назарий меросини фалсафий идрок қилиш ва уни тарғиб этиш, ёш авлодни фан тарихида юқори мавқега эга аждодларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. “Томирларида буюк боболаримизнинг қони оқаётган ёшларимиз улуғ аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиши, улар каби улкан мақсадлар сари интилиб яшаши ва юксак марраларга эришиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишимиз зарур. Янги Ўзбекистон ёшлари ана шундай юксак даражаларга кўтарилиши учун барча имкониятларни ишга соламиз”<sup>1</sup>. Бу борада Носириддин Тусийнинг маънавий-ахлоқий меросида илгари сурилган ёшлар тарбиясига оид ўзига хос қарашлар, ахлоқ, эътиқод, маънавият, илм, комил инсон тарбияси каби ғояларнинг мазмунини илмий – назарий таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б.263.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 10 февралдаги ПҚ-126-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Носириддин Тусийнинг илмий меросини ўрганиш ва ундан фойдаланиш бўйича жаҳонда В. Меделунг, Берtrand Бадие, Фахриддин Олгунер, Мурод Демиркол, Айкут Кар, Анор Гафуров<sup>2</sup> каби олимлар томонидан ижтимоий-ахлоқий, фалсафий, педагогик тадқиқотлар олиб борилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан Ҳ. Меҳметбейли, М. Диноршоев, И. Т. Камол, А. Сагадеев, Н. Рахматуллаев, А. Рзаев, Ш. Исмоилов, Н. Идибеков<sup>3</sup> ва бошқаларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин.

---

<sup>2</sup>Madelung W. As-Sahraistanis streitschrift gegen Avicenna und ihre Widerlegung durch Nasir-ad-Din at-Tusi. - In: Akten des VII Kongress für Arabistik und Islamwissenschaft, Göttingen, 1974, S.250-259.; Badie Bertrand. La philosophic politique de l'hellenisme musulman l'oeuvre de Nasered-Din Tusi. Revue franHaise de science politique. Paris, 1977, vol.27, №2, pp. 290–304. Fahrettin Olguner. Üc türk-islam mütefekkeri Ibn Sina - Fahreddin Râzi-Nasireddin Tûsî düşüncesinde varoluş. Ankara: Ongun Kardeşler Matbaası, 1985. – 137 s.; Murat Demirkol. Nasîreddin Tûsî'nin İbn Sina Felsefesini Fahreddin Râzî'nin Eleştirilerine Karşı Savunması. C.Ü. İlahiyat Fakültesi Dergisi XIV/1 – 2010. 247-276; Aykut Kar, Anar Gafarov. Bilime Adanmış Ömür: Nasiruddin Tusi. İstanbul: Gece Kitaplığı Yay., 2017. – 295 s

<sup>3</sup>Мамедбейли Г.Д. Основатель марагинской обсерватории Мухаммед Туси. Баку, Изд-во АН Азербайджанской ССР, 1961.; Диноршоев М. Философия Насиреддина Туси. Душанбе, 1968.; Ибрагим Т.И., Сагадеев А.В. ат-Туси. В кн.: Ислам: Энциклопедический словарь. Москва: Наука, 1991, с. 238; Рахматуллаев Н. Философские взгляды Ибн Сины в книге наставления. Душанбе, 1980; Рзаев А.К. Насиреддин Тусей. Политико-правовые воззрения. Баку: Элм, 1983.; Исмаилов Ш.Ю. Пантеизм XIV века и его значение в истории развития материалистической философии в Азербайджане. В кн.: Методологические вопросы истории развития средневековой философии народов Закавказья. - Баку, Элм, 1982, с. 169-186.; Идибеков Н. Этика Насириддина Туси в свете его теории свободы воли. -Душанбе: “Дониш”, 1987.

Ўзбекистонда Носириддин Тусий маънавий-ахлоқий таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти борасидаги қарашларини ўрганишга бағишланган махсус илмий тадқиқотлар олиб борилмаган бўлса-да, бироқ И. Мўминов, М. Болтаев, М. Усмонов, Г. Наврўзова, Р. Шодиев, М. Қодиров<sup>4</sup> каби файласуф олимларнинг илмий тадқиқотларида Тусий ва унинг фалсафий-ахлоқий таълимоти ҳақида умумий тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Ушбу тадқиқотларнинг диссертация тадқиқоти учун юқори илмий аҳамиятини эътироф этган ҳолда ҳамда мутафаккирнинг минералогия, тиббиёт, физика, мантик, фалсафа, дин, ахлоқ, сиёсат масалаларига у ёки бу даражада тўхталганлиги, Носириддин Тусий маънавий-ахлоқий таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятига, маънавий янгиланиш жараёнларига кўрсатаётган таъсирини аниқлаш масаласи ушбу тадқиқотнинг объекти сифатида белгиланган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1 “Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари” (2017-2020 йй) фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Носириддин Тусий маънавий-ахлоқий таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Носириддин Тусий дунёқараши тадрижати, унга таъсир кўрсатган ўша давр ижтимоий – сиёсий вазияти ва маънавий муҳитни тадқиқ этиш;

Тусий таълимотида ахлоқий идеал ғоянинг асл моҳиятини очиб бериш;

мутафаккир маънавий-ахлоқий таълимотининг ҳозирги кунда баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятини аниқлаш;

Тусийнинг “Ахлоқи-Носирий”, “Адаб-ул мутааллимун” ва “Авсоф ул - Ашраф” асарларини таҳлил этиш орқали аллома меросининг фалсафий жиҳатларини тавсифлаш;

Тусий маънавий-ахлоқий, диний-ирфоний қарашларининг ёшлар ғоявий-тарбиявий иммунитетини шакллантиришдаги аҳамиятини очиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Носириддин Тусий маънавий-ахлоқий таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини асословчи назарий манбалар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни Носириддин Тусий фаолияти ва унинг “Ахлоқи-Носирий”, “Адаб-ул мутааллимун” ва “Авсоф ул-Ашраф” асарларида ёшлар тарбиясига оид ғоялар ташкил этади.

---

<sup>4</sup>Мўминов И.М. Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар. – Тошкент.: Фан, - 1999.; Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. Душанбе: Ирфон, 1961.; Усмонов М.А Основные этапы эволюции ислама. Автореф. дис... д.филос.н. -Москва, 1978.; Наврўзова Г. Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий меъроси. – Тошкент: “Фан”, 2021.; Шодиев Р. Ўрта Осиё тасаввуфи ва ахлоқий кадриятлар. – Самарқанд, “Зарафшон”, 1992.; Муҳаммаджон Қодиров. Насриддин Тусийнинг “Ахлоқи Носирий” асари ва унинг таҳлили. - Тошкент: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2013. - 124 б.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда тизимли ёндашув, тарихийлик, мантиқийлик ва ворисийлик, анализ ва синтез, илмий холислик, таққослаш ва умумлаштириш каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Носириддин Тусийнинг дунёқарашига таъсир этган муҳит ва шу даврда мавжуд бўлган турли келишмовчилик, маданиятни йўқотиш, диний сепаратизм, догматик ғоявий-фалсафий қарашлар таъсирида қолган жамиятда ижтимоий-маънавий парокандаликни барқарорлаштириш мақсадига қаратилган илмий ва маданий фаолиятни жонлантириш, кутубхоналарни асраш ва тиклаш, олимларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, илмий ҳамкорликни ривожлантириш каби ташаббускорлик фаолияти далилланган;

Носириддин Тусийнинг “Ахлоқи – Носирий” асаридаги ахлоқий идеал ғоясининг тасаввуфий таълимотлар ривожига иймон, сабот, ният, сидқ, тавба ва ихлос тушунчалари орқали қўшган гуманистик таъсири, устоз – шогирд муносабатлари асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, қатъий интизом, илмга рағбат, нафсни тарбиялаш усулларига оид фалсафий-ахлоқий моҳияти очиб берилган;

Носириддин Тусий маънавий-ахлоқий меросининг фалсафий фикрлар ривожига илмга асосий мезон сифатида қараш, мукамалликка эришувда маънавий, жисмоний ривожланиш, ўз-ўзини танқидий таҳлил этиш, шарият қоидаларига қатъий амал қилиш, ақлий ҳамда нақлий қонунларнинг ҳамда басират аҳли йўлининг аҳамияти “Адаб – ул мутааллимун” ва “Авсоф ул – Ашраф” каби манбалар асосида аниқлаштирилган;

Тусий таълимотидаги “комил инсон” – ахлоқий фаол шахс моделини шакллантиришнинг илм ўрганиш, ҳақиқатга талпиниш, маорифга эришиш каби сифатлари, ҳикмат, шижоат, иффат каби фазилатлар асосида миллатлар ва конфессиялар ўртасида қарама-қаршилиқлар, радикализм ва экстремизмни бартараф этиш ҳамда таҳдид ва хатарларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш тамойиллари фалсафий жиҳатдан такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ёшлар тарбияси масаласи тарихий-фалсафий ёндашув асосида тадқиқ этилган, унга янгича таъриф ва тавсиф берилган;

Носириддин Тусийнинг маънавий-ахлоқий таълимотидан фалсафа, диншунослик, ислом фалсафаси, тасаввуф каби фанлар учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган;

Тусийнинг ёшлар тарбиясига доир маънавий-ахлоқий қарашлари асосида чиқарилган хулосалардан тасаввуф илмий мактаби ўқув дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган;

Тусийнинг гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси, дунёвий ва диний илм – фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссасига алоқадор мавҳум жиҳатлар аниқлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, ёндашув услублари, усуллар ва илмий

маълумотларнинг расмий манбалардан, ишончли далиллардан олинганлиги, тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда синовдан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган илмий умумлашма ва хулосалардан буюк аждодларимизнинг илмий анъаналарини муносиб давом эттиришда, табиий-илмий билимларни ривожлантиришда, ёшларни маънавий-ахлоқий этиб тарбиялашга оид фаолиятни олиб боришда, “баркамол инсон” ҳақидаги ғояларнинг генезиси эволюциясини тадқиқ этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларида, маданий-маърифий муассасалар, маҳалла, оила марказлари, интеллектуал салоҳиятни ўстириш билан шуғулланувчи ёшлар ижодий марказлари фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини такомиллаштиришда, болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган буюк мутафаккирлар, аждодларимизнинг маънавий жасорати, қаҳрамонликлари тўғрисидаги ноширлик маҳсулотларини китоб ва электрон шаклларда нашр этишда, “Фалсафа”, “Ахлоқшунослик”, “Ислом фалсафаси”, “Маънавиятшунослик”, “Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси”, “Касбий маънавият” фанларидан дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда, шунингдек, маънавий тарғибот фаолияти билан шуғулланувчи марказларининг ёш авлодни тарбиялашга оид профилактик тадбирлар ва мафкуравий тарғибот фаолиятида, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Носириддин Тусий маънавий – ахлоқий таълимотининг ёшлар тарбиясидаги аҳамиятини тадқиқ этиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Носириддин Тусийнинг дунёқарашига таъсир этган муҳит ва шу даврда мавжуд бўлган турли келишмовчилик, маданиятни йўқотиш, диний сепаратизм, догматик ғоявий-фалсафий қарашлар таъсирида қолган жамиятда ижтимоий-маънавий парокандаликни барқарорлаштириш мақсадига қаратилган илмий ва маданий фаолиятни жонлантириш, кутубхоналарни асраш ва тиклаш, олимлар ҳаётини сақлаб қолиш, илмий ҳамкорликни ривожлантириш каби ташаббускорлик фаолиятига доир илмий умумлашма ва хулосалардан “Буюк мутафаккир, олим Носириддин Тусийнинг идеал ахлоқ ғояси ва унинг тасаввуфий таълимотлар ривожига гуманистик таъсири, инсонларнинг маънавий ахлоқий тарбиялашдаги устоз – шогирд муносабатлари, қатъий интизом, илмга рағбат, тарбия усуллари юзасидан ёшларни баркамол қилиб шакллантиришга оид масалалар ва

“Ахлоқи Носирӣ” асарида кийиниш маданияти” мавзуидаги маънавий-маърифий тарғибот тадбирларини ўтказишда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 9 июндаги 05-12-10-2843-сон маълумотномаси). Натижада ёш авлодни инсонпарварлик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга, жаҳолатга қарши маърифат, илм ва амал, маънавий барқарорликка эришиш каби профилактика ва тарғибот-ташвиқот ишлар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатган;

Носириддин Тусийнинг “Ахлоқи – Носирӣ” асаридаги ахлоқий идеал ғоясининг тасаввуфий таълимотлар ривожига иймон, сабот, ният, сидқ, тавба ва ихлос тушунчалари орқали қўшган гуманистик таъсири, устоз – шогирд муносабатлари асосида ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, қатъий интизом, илмга рағбат, нафси тарбиялаш усулларига оид фалсафий-ахлоқий моҳиятига оид янгилик ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2021 йилларда ўтказилган тарғибот фаолияти, Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йилдаги чора-тадбирлар дастури IV. “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” 169-банди “Камалак юлдузлари”, “Йилнинг энг фаол ёшлар етакчиси”, “Йил сардори”, “Талабалар фестивали”, “Интеллектуал ўйинлар” ҳафталиги, “Йил талабаси” кўрик-танлов ва мусобақаларни ташкил этишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат кенгаши Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 14 июндаги 03/08-744-сон маълумотномаси). Натижада, ёш авлодни гуманистик қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга, миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганишга, аждодларимиз бой маънавий меросига ҳурматни шакллантиришга, умуминсоний тамойилларни чуқур ўрганишга хизмат қилган;

Носириддин Тусий маънавий-ахлоқий меросининг фалсафий фикрлар ривожига илмга асосий мезон сифатида қараш, мукамалликка эришувда маънавий, жисмоний ривожланиш, ўз-ўзини танқидий таҳлил этиш, шарият қоидаларига қатъий амал қилиш, ақлий ҳамда нақлий қонунларнинг ҳамда басират аҳли йўлининг аҳамияти “Адаб – ул мутааллимун” ва “Авсоф ул – Ашраф” каби манбалар асосида аниқлаштирилганлигига оид янгилик ва хулосалардан давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги PZ-2017-0930223-рақамли “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни ривожлантиришда ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш механизмини такомиллаштириш” (2018-2020 йй) мавзуидаги амалий грант лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Фарғона давлат университетининг 2021 йил 24 сентябрдаги 01-2762-сон маълумотномаси). Натижада, амалий лойиҳа олдига қўйилган вазифаларни самарали бажаришга, ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган услубий тавсияларни такомиллаштиришга хизмат қилган;

Тусий таълимотидаги “комил инсон” – ахлоқий фаол шахс моделини шакллантиришнинг илм ўрганиш, ҳақиқатга талпиниш, маорифга эришиш каби сифатлари, ҳикмат, шижоат, иффат каби фазилатлари асосида миллатлар ва конфессиялар ўртасида қарама-қаршилиқлар, радикализм ва

экстремизмни бартараф этиш ҳамда таҳдид ва хатарларга қарши мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш тамойилларига доир янгилик ва хулосалардан, назарий тавсиялар ва амалий таклифлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом Бухоро”, “Ўзига ўхшайди ўзбек”, “Тил – миллат кўзгуси” бир қатор кўрсатувларда унумли фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 01 июлдаги 1/177-сон маълумотномаси). Натижада ёшларда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи турли ғоявий мавкуравий хуружларга қарши миллий ва умуминсоний кадрятларнинг шаклланиши, аждодларимиз меросига ҳурмат туйғусини шакллантириш, маънавий камолотга эришишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 7 та мақола (4 та хорижий ва 3 маҳаллий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олтита бандни ўз ичига олган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 128 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти тавсифланган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**ХII-ХIII асрларда Хуросондаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ҳаёт ва Носириддин Тусий таълимоти**” деб номланган биринчи бобда Носириддин Тусий (1201-1274 йй) дунёқарашининг шаклланишига таъсир этган ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий муҳит масалалари тадқиқ этилган. Таъкидлаш лозимки Носириддин Тусийнинг фалсафий қарашлари умуман ўрганилмаган. Қадимги юнон мутафаккири Арасту ва унинг издоши Бухоролик қомусий олим Абу Али Ибн Сино Носириддин Тусий учун фалсафа оламида кўзга кўринган олимлар бўлишган<sup>5</sup>. Тусий ўзининг бир қатор асарларида бу мутафаккирларнинг

---

<sup>5</sup> Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. Душанбе: Ирфон, 1965. – С. 279.

ишларини тилга олади ва уларнинг фалсафий ғоялар ривожига хизматларини тан олади. Гарчи у бу файласуфлар назариясининг пассив издоши ва оддий шарҳловчиси бўлмасда, ўз асарларида ўзидан олдинги олимларнинг кўплаб илғор фалсафий фикрларини, жумладан, Арасту ва Ибн Синонинг баъзи фалсафий ғояларини ривожлантирган асл мутафаккирдир. Бундан ташқари, баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “Тусий Ибн Синони ортда қолдиришга интилган зўр олим даражасига кўтарилган”<sup>6</sup>.

Диссертацияда файласуф Тусий ўзи яшаган даврнинг ҳар қанча мақтовга лойиқ порлоқ вакили бўлишига қарамай, унинг ҳаёт йўли зиддиятли жиҳатлари билан ажралиб турганлиги таъкидланади. У XIII асрнинг ўттизинчи йилларида Кўхистонга келади. Бу вақтда у Исмоилийлар давлати саройида хизмат қилади ва ҳукмдор Муҳташамнинг энг яқин маслаҳатчиси ва маслакдошларидан бирига айланади. Алломанинг истеъдоди, давлатчилик соҳасидаги дунёқараши ҳамда ноёб, ўзига хос воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра олиш қобилияти саройда юксак кадрланди. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, маркази Аъламут қалъаси бўлган Исмоилийлар давлати 1090 йилда пайдо бўлган эди. Салжукийлар сулоласига қарши ҳаракат сифатида вужудга келган Исмоилийлар давлати Суриядаги бир қанча ҳудудларни ўз таркибига олган ва ушбу давлатнинг фаолияти асосан исён ва сиёсий террорга асосланган эди. Исмоилийлар фаолиятига сўнги нуқтани 1256 йилда Хулагухон кўяди ва шу тариқа у Элхонийлар давлатига асос солади. Хулагухон илм аҳлига ўзгача муносабатда бўлган. Мўғул хонига бўлган чексиз ҳурмати туфайли Тусий мўғул босқинчиларининг ваҳший ҳаракатларига бефарқ бўлмайди. Халқ учун манфаатли ишлар ҳаракатида бўлади ва уларни амалга оширади.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, ушбу даврнинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, масжидлар, хонақоҳлар ва Дар ул – Куръон номли ўқув юртларида асосан шариат, дин арконлари ва Куръон ўқитиб борилар эди. Илмнинг бошқа фанлар соҳасида эса қисқа ва асосий деб ҳисобланган маълумотлар берилар эди. Тарихий манбаларда таълимнинг ушбу шакли “Мазҳар” деб номлангани айтилади. Таълимнинг бундай шаклида устоз ўз шогирди билан мустақил шуғулланган ҳамда ўз шогирдининг камолоти учун изланишда бўлган<sup>7</sup>.

Тадқиқотда бу даврда бошқа фан соҳалари каби фалсафа илми ҳам ўзининг тараққиёт палласига киргани, Тусийдан ташқари бу давр файласуфлари орасида Шахабуддин Сухравардий (1145-1234 йй) ва Сирожиддин Урмавий (1198-1283 йй) каби муттафаккирларнинг номлари ҳам, ҳурмат-эътибор билан тилга олингани, булардан ташқари С.Хусравшоҳ, Ибн Юнус, Абҳарий, Нахшивоний, Хунадий каби олимлар ҳам мантиқ, фалсафа, табиатшунослик, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий масалалар ҳақида ўз илмий қарашларини илгари сурганлари ҳамда фикрларини назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилиб, бир қанча асарлар яратганликлари таъкидланади.

<sup>6</sup> Arberry, A.I. Classical Persian literature. - London. 1958. – P. 258

<sup>7</sup> Abbasov Namiq, Həsənov Rəhim. Nəsirəddin Tusinin müdriklik fəlsəfəsi. - Bakı: 2012. – B. 19.

Диссертацияда файласуфнинг асл исми Муҳаммад бин Муҳаммад бин Ҳасан, куняси Абу Жаъфар<sup>8</sup> эканлиги таъкидланади. Носириддин Тусий 1201 йилда Тусда Фирузшоҳ Жехрудий номи билан танилган Шайх Важҳиддин ибн Ҳасан оиласида туғилган<sup>9</sup>. Дастлабки таълимни отаси Муҳаммад ибн Ҳасандан олган Тусий болалиқдан ўз истеъдоди билан илм аҳллари ҳайратлангирган. Ноёб қобилияти билан фарқланиб турувчи мутафаккир кейинчалик Фаридиддин Дамадин ёнида ҳам таҳсил олади<sup>10</sup>. Шариатга доир билимларни отасидан, кейинчалик эса таҳсилни давом эттириб риёзиётчи ва мантиқшунос Носириддин Муҳаммад Шаидан, фикҳ, ҳадис ва ҳандасага доир илмларни эса Насриддин Абдуллоҳ Ҳамзадан ўрганган. Ислом динининг ўзига хос жиҳатларини ўргатиш билан бўлган Носриддин Абдуллоҳ ибн Ҳамза ўз шогирдига “Носириддин”<sup>11</sup> лақабини берган<sup>12</sup>. Эронлик олим Муҳаммад Занжоний Носириддин Тусий таҳсил олган олимлар рўйхатини куйидагича кўрсатади:

1. Важҳиддин Муҳаммад бин ал-Ҳасан ат-Тусий.
2. Зиёуддин абу Ризо Фазлуллоҳ бин Али бин Абдуллоҳ бин ал-Ҳасан ар-Ровандий ал-Кошоний.
3. Саййид Муртазо Илмул-Худо.
4. Камолиддин бин Юнус Мусулий.
5. Салим бин Бадрон ал-Мисирий ал-Мазаний.
6. Шайх Бурхониддин ал-Ҳамадоний ал-Қазвиний.
7. Қутбиддин ал-Мисири.
8. Ҳожа Абдусаодат Исфаҳоний.
9. Фаридуддин Дамад Нишопурий.
10. Саййид Садриддин Али бин Наср Ҳусайний Сарахсий<sup>13</sup>.

Диссертантнинг фикрича, Тусий нафақат илмий фаолиятда, балки ўз даврининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган. У ўзининг бутун умри давомида илмнинг деярли барча соҳаларида сермаҳсул ижод қилган. Нажмиддин Қазвиний (1203-1277 йй), Маҳмуд ибн Маъсуд ибн Муслиҳ Шерозий (1236-1311 йй), Ҳасан ибн Каммуна Исроилий, Саййид Рукниддин Астрободий аллома издошлари ва ғоявий давомчилари бўлиб унинг асарларига шарҳлар ёзди<sup>14</sup>.

Диссертацияда Носириддин Тусий қаламига мансуб асарлар тадқиқотчилар орасида турлича талқин қилиниши айтилади. Алломанинг форс ва қисман араб тилида ёзилган асарлар сонини Озарбайжон олими Агабала Рзаев йирик ҳажмли “Носириддин Тусий” номли монографик тадқиқотида 206 тасини номини санаб ўтади. Булардан 14 таси ҳақида

<sup>8</sup> Абдуламир ал-Асом. Ал-Файласуф Носириддин ат-Тусий. - Байрут, 1980. – Б. 23.

<sup>9</sup> Бу ҳақда қаран: İslam Ansiklopedisi (MEB), - İstanbul, 1988, c.12, s.130.

<sup>10</sup> Gafarov Anar. Bilime Adanmış Ömür Nasiruddin Tusi. - Ankara, Gece Kitaplığı. 2017. – Б. 7.

<sup>11</sup> Носириддин сўзи арабчадан диннинг мутофаачиси, диннинг кўмакчиси.

<sup>12</sup> Demirkol Murat. Tusi'nin İbn Sina Savunması. - Ankara: FECR YAYINLAR, 2010. s.15.

<sup>13</sup> Занжоний Муҳаммад. Мударриси, Саргузашт-и ва Ақоид-и фалсафайи Хожа Насриддин Туси. -Техрон. 1379. – Б. 29-35.

<sup>14</sup> Abbasov Namiq, Həsənov Rəhim. Nəsirəddin Tusinin müdriklik fəlsəfəsi. - Bakı: 2012. – Б. 38.

қисқача маълумот беради<sup>15</sup>. Манбаларда Тусий ҳақида берилган маълумотларнинг ранг-баранглиги унинг илмий дунёқараши турлича бўлганлигини тасдиқлайди. Кенг илмий-фалсафий идрокка эга бўлган мутафаккир барча илм соҳалари билан яқиндан таниш бўлган. Унинг асарларини немис шарқшуноси Карл Броккельман 8 гуруҳга бўлади. Улар фикҳ, калом, фалсафа, риёзиёт, астрономия, табобат, минералогия, мусиқа<sup>16</sup>.

Диссертант мулоҳазаларига кўра, Тусий перипатетик фалсафа мактаби вакиллариға ҳаммаслақ қарашдаги олим бўлганлиги учун илмий дунёқараши тадрижатида нафақат Шарқ, балки қадимги юнон тафаккурининг ҳам таъсири яққол сезилиб туриши айтилади. У ижтимоий соҳа, мусиқашунослик, минералогия ва тиббиёт ҳақида бир қанча асарлар яратган энциклопедик олим ҳисобланиб, унингча, илмий билимлар инсонларни бахтга чорловчи маёқдир.

Фалсафанинг назарий ва амалий фаолиятдан иборат бўлганини тушунган Тусий бу илм соҳасини аввало назарий ва амалий қисмларга ажратади. Аслида бундай бир таснифнинг ўзига хос онтологик асослари бор. Балки, фалсафани бутун борлиқлар моҳиятларини очиб берадиган илм бўлганини тушунган Тусий бу илмни борлиқ қисмларига мувофиқ ҳолда тасниф этади. Назарий фалсафа асос ўлароқ метафизика, риёзат ва табиат илмларидан иборат. Бу ерда ҳар бир илм соҳасининг олдида бир нечта илм қисмлари мавжуд бўлиб, илоҳиёт ва фалсафа илмлари метафизика илмининг асосларини ташкил этган илм соҳаларидир.

Диссертацияда Носириддин Тусий берган фанлар таснифи Аристотель ва Ибн Сино фанлар таснифига яқин бўлганлиги асослаб берилади. Тусийнинг салафи Мискавейх ҳам шундай таснифга амал қилган<sup>17</sup>. Файласуф Тусийн ҳатто “Ақсам ул-Ҳикмат” (Фалсафанинг соҳалари) номли рисоласида метафизикани Ибн Синонинг “Ақсам ал-улум ал-ақлиййа” номли асарининг таъсирида қолиб, “Илоҳий илм” деб номлаши ҳам аҳамиятлидир. Чунки, бу илм соҳасида Тусий Аллоҳнинг борлиғи ва бирлигининг исботи, маънавий субстанцияларнинг исботи, мумкин борлиқлар системаси ва уларнинг мутлақ борлиққа (Аллоҳга) нисбати ва бошқа мавзуларни муҳокама объектига айлантиради.

Диссертант фикрича, Тусийнинг метафизика илмига доир таснифини унинг фалсафий каломга доир асосий асари ҳисобланган “Тажрид ал-эйтиқод” номли асарида кўриш мумкин. Амалий фалсафага келганда Тусий фалсафанинг бу соҳасида ахлоқ тарбияси, оила ва сиёсат фалсафаси каби қисмларга ажратади. Унинг бу уч соҳа билан алоқадор фалсафий қарашлари ўз аксини “Ахлоқи Носирий”да топган.

Диссертацияда ислом фалсафа анъанасида музокара мавзуларидан бири бўлган неоплатонизмга асосланган судур ёки космик ақллар назарияси

<sup>15</sup>Рзаев А. Насирэддин Туси. Баку: Элм, 1863. – Б. 71-79.

<sup>16</sup>Воспитание и обучение с точки зрения мусульманских мыслителей Том 2. -Москва: Фонд исследований исламской культуры, 2018. - С. 18.

<sup>17</sup> Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. - Душанбе: Ирфон, 1965. – С. 308.

(эманация) Тусий тарафидан ҳам коинот яратилишининг вужудга келиш жараёни каби музокара объектига айлантирилганлиги айтилади. Бироқ, Тусий бу назарияга ўзининг баъзи асарларида шубҳа билан қарагани, баъзиларида эса бу назарияни қабул этмаганини кўриш мумкин. “Тажрид ал-этиқод” номли асарида бу назарияга шубҳа билан қараган файласуф “Фусус” номли ислом каломига доир ёзган бошқа бир асарида судур назариясини тамомила рад этади.

Аристотелдан фаркли ўлароқ, Тусий материяни зарурат, лекин имконнинг шакли дейди. Табиий жисмларнинг мавжудлигида материя ҳар доим рамкага эга, у ҳар доим қандайдир шаклга эга. Материя мавжуд асос сифатида, ҳар қандай нарсани йўналтиришнинг бошланиши. Инсон ўз ҳаракати билан материядан бир шаклни олиб, унга бошқа шаклни бериши мумкин. Масалан кулол лойдан идиш ясайди. Бу ерда лой материя, у пойдевор, ўзига хос қозон шакл. Лекин кулол лойга бошқа турдаги қозонни бериши мумкин, лекин бошқасини ёки лойга қозоннинг кўринишини эмас, балки коса кўринишини бериши мумкин. Буларнинг барчаси билан лой, мум, мрамар ва бошқа моддалар нарсаларнинг асоси сифатида мустақил мавжудликка эга. Улар мумкин вақтида мавжуд бўлиши мумкин. Моддий нарса, материя шаклдан устунликка эга. Шаклдан олдинги материянинг афзалликлари ҳар қандай салбий ҳодисалардан олдин моҳиятнинг афзалликлари билан бир хил. Материясиз шакл ҳеч нарса эмас, материя туфайли у бирор нарсага айланади.

Диссертацияда мутафаккир субстанцияни зарур деб белгилаб, унинг абадий эканлигини кўрсатиш билан чегаралангани, яъни бўлган, бор ва бўлади сўзлари билан характерланиши таъкидланади. Яъни, қайси иш ёки ҳаракат яхши, қайси бири ёмон эканлигини фақат инсон ақлигина аниқлай олади.

Файласуф олим Муҳаммад Назарович Болтаев ўзининг йирик монографик тадқиқотида Тусийни Умар Ҳайём изидан бориб, маълум диний ғояларга қарши тўртликлар ёзган деб кўрсатади<sup>18</sup>. Тусий буюк инсонпарвар эди, чунки – инсон қадр-қиммати ва ердаги ўрнини ҳимоя қилади.

Тусийнинг фикрича, саодат уч хил бўлади: Рух бахти, тан бахти, жамоат саодати. Агар инсон ўз хоҳишига кўра, меҳрибон бўлса ва катта билимга эга бўлса, у чин дилдан бахтли одамдир. Аммо инсон руҳи тананинг жисмоний саломатлиги ҳолатига боғлиқ. Соғлом танада соғлом ақл бўлади, дей таъкидлайди мутафаккир. Демак, жисмоний жиҳатдан, жисмонан соғлом танага эга бўлган киши бахтлидир. Ҳиссий бахт ҳақиқий билим ва маънавий-ахлоқий тарбия натижасида эришилади. Эзгулик ва саодат хислатларига эга бўлган киши комил ҳисобланади. Ахлоқ одамларнинг хулқ-атворида намоён бўладиган руҳий ҳолат сифатида ўзгармас эмас.

Диссертациянинг **“Носиридин Тусий антропологик қарашларининг моҳияти”** деб номланган иккинчи бобида мутасаввифнинг инсон ўзлиги

---

<sup>18</sup> Болтаев М.Н. Вопросы гносеологии и логики в произведениях Ибн Сины и его школы. - Душанбе: Ирфон, 1965. – С. 318.

(нафси) муаммоси ва уни тарбиялаш йўллари, Тусий таълимотида адолат тушунчаси, унинг фалсафий-ахлоқий талқини ҳамда Тусийнинг маънавий меросида инсон камолоти даражалари тўғрисидаги қарашлари таҳлил этилган.

Носириддин Тусий маънавий меросида инсон ўзлиги (нафси) муаммоси ва уни тарбиялаш йўллари масаласига алоҳида эътибор қаратган. Унинг мулоҳазаларига кўра, инсоннинг нафси кенг бир жавҳар бўлиб, асосий иши маъкулот, яъни ақлга мос келадиганларни ўз зоти билан идрок қилиш, одамлар инсон дейдиган танадаги ҳисларни турли қувват ва аъзолар орқали бошқариш, тасарруф қилишдир. Бу жавҳар на бир жисм, на бир жисмоний ва на бирор ҳис билан махсус (ҳис қилинувчи)дир. Буни тушуниш учун бир қанча мақомларни билиш керак. Биринчи мақом нафснинг мавжудлигини исбот қилиш, иккинчиси – унинг жавҳарият эканлигини исботлаш, учинчиси – унинг басотати (яхлитлиги)ни исботлаш, тўртинчиси – унинг жисм ҳам, жисмоний ҳам эмаслигини исбот қилиш, бешинчиси – унинг ўз зоти орқали идрок қилиши, аъзолар воситасида тасарруф қилинишини исботлаш, олтинчиси – уни бирон ҳис ёрдамида ҳис қилиб бўлмаслигини исботлаш.

Диссертацияда биринчи мақом таҳлил қилинар экан, бунга ҳеч қандай исботнинг ҳожати йўқ, чунки ақли ўзида бўлган кишининг наздида бу очиқ-ойдин ва тушунарли деб ҳисоблайди. Унинг ҳақиқати шуки, инсон ухлаганда, бедорликда, мастликда ва ҳушёрликда ҳам барибир ҳамма нарсдан ғофил бўлиб қолиши мумкин, бироқ ўзининг ўзлигидан ғофил бўла олмайди. У ниманинг суратини кўрса, ўзининг борлигига далил, деб айтади. Далилнинг хусусияти шундаки, у далил изловчининг ўз далилини топишига восита бўлади. Ўзини ўзининг борлиги учун далил деса, демак, далил бир нарса орасида восита бўлиши керак, яъни ўзига ўзини топиб берган бўлиши керак. Ўзлик ҳамиша ўзи билан бўлади. Шу сабабли мутафаккир, бунда ўзига ўзини далил қилишни хато ва ботил деб ҳисоблайди.

Иккинчиси – нафснинг жавҳарият эканлигини исбот қилишдир. Аллома айтганидек, Вожибул – вужуд бўлган Аллоҳ таолодан ўзга ҳар қандай мавжудлик ё жавҳар (моҳият) билан ва ё араз (акциденция) билан бўлади. Мутафаккир бунга сиёҳ ва чўпдан ясалган тахт мисолида таҳлил этади. Агар жисм бўлмаса, сиёҳ ҳам бўлмас эди. Ва агар чўп ёки унинг ўрнига бошқа бир нарса бўлмаса эди, тахтнинг сурати ҳам бўлмас эди.

Диссертацияда ҳар қандай мавжудлик ё араз ёки жавҳар бўлишини, бу жиҳатдан нафс жавҳарлигини, нафснинг жисм ҳам, жисмоният ҳам эмаслигини ҳар қандай жисм таркибдан иборат эканлиги таъкидланади. Мутафаккир ўз қарашларида муҳокама мавзусига айланган нафснинг уч турини кўрсатади. Биринчиси наботот нафси бўлиб, унинг зоҳир бўлиши ўсимлик турлари, ҳайвон зотлари ва инсон шахсларидир. Иккинчиси ҳайвоний нафс бўлиб, у ҳайвонлар ва инсонларга оиддир. Учунчиси инсоний нафс ҳисобланади.

Аллома наботот нафси масаласида фикр юритиб, унинг учта кучга эга эгаллигини, яъни бири – озиқлантириш, иккинчиси – катталаштириш ҳамда кўпайиш қуввати, эканлигини айтади. Ҳайвоний нафс масаласини таҳлил

қилганда унинг ҳам икки кучга эга эканлигини, биринчисини ғайриихтиёрий туйғу кучи, иккинчисини эса, ихтиёрий ҳаракат кучи деб кўрсатади. У ғайриихтиёрий туйғуларни иккига ажратади. Биринчиси – туйғу воситалари зоҳир (ташқари) да бўлганлар, улар бешта бўлиб, кўриш, эшитиш, ҳид, таъм, сезишдан иборатдир. Иккинчиси эса туйғу органлари ташқарисида бўлиб (ботиний), улар ҳам бештани ташкил қилади, дейди.

Диссертант Тусий ихтиёрий ҳаракатдаги кучларни иккига бўлганлигини айтиб биринчисини “шаҳват”, иккинчисини эса “ғазаб” кучи деб номлайди. Инсоний нафсни ҳайвоний нафсдан ажратувчи қувватга “нутқ кучи” деб ном беради. Бу куч бирор бир нарсага эҳтиёж сезмасдан, барча тарк этиладиган нарсаларни бир – биридан фарқлай олади. Бу куч жисмларнинг пайдо бўлганини билишга, ақлий категорияларнинг моҳиятини кашф этишга бўлган нуқтада “назарий ақл”, лекин объектларга, яхши ва ёмонни бир – биридан фарқлашга, санъатни, кўнгилхушликни ва маишатни тартибга солишга йўналтирилган нуқтада “амалий ақл” деб кўрсатади. Бу куч икки турдан иборат бўлгани учун ҳикмат илмини ҳам икки қисмга бўлади. Биринчиси – “назарий”, иккинчиси эса – “амалий”, - деб ёзади Носириддин Тусий.

Мутафаккир биринчи кучнинг фақатгина инсонларга хос эканлигини кўрсата туриб, унинг инсон танасида ўз ўрни борлигини, “нутқ кучи”нинг ўрни – фикр ва билим хазинаси бўлган мия эканлигини, ғазаб кучининг ўрни – унинг фитрий жўшқинлик булоғи ва ҳаёт чашмаси бўлган юрак эканлиги, “шаҳват” кучининг ўрни – ҳазм бўлган озиқларни бадан органлари орасида тақсимлаган жигарда эканлиги, баъзан бу уч куч, яъни “нутқ”, “ғазаб” ва “шаҳват” уч нафс сифатида ҳисобга олинишини айтиб, биринчисига – “малак нафси”, иккинчисига – “ваҳший нафс”, учинчисига – “ҳайвон нафси” деб таъриф беради.

Диссертацияда Тусий адолат тушунчасини ижтимоий муносабатга боғлиқ ҳолда, яъни ҳаётни онгли равишда тартибга солиш ишларида адолат (тарози) тушунчаси-дан фойдаланишни, уч қисмдан иборат деб кўрсатгани таъкидланади:

биринчиси – мол - мулк ва санъатга оид бўлган адолат;

иккинчиси – муомала ва мубодалага оид бўлган адолат;

учинчиси – мажбурий бўлган ишларга (масалан, тарбия ва танбеҳга) оид бўлган адолат<sup>19</sup>.

Биринчи қисм ҳақида фикр юритар экан Тусий бу одамнинг бу молга ва ёки бу санъатга нисбати ўзи каби фалон одамнинг фалон санъат ёки фалон молга нисбати кабидир, шунинг учун бу қисм “фасилали” нисбатларга ўхшайди, деб тушунтиради ва буни қуйидагича изоҳлайди: “Демак, бу санъат ва бу мол уники, унга ҳам бериш керак, кам-кўпини эса, тўғрилаб тўлаш керак. Иккинчи қисм адолатни гоҳ “фасилали”га, гоҳида эса “фасиласиз”га қиёслаб, “бу баззознинг бу либосга бўлган нисбати бу дурадгорнинг курсига бўлган нисбати кабидир” дея, изоҳлайди ҳамда бу “фасилали”га ўхшашини таъкидлайди. Учинчи қисм адолатни “ҳандаса”га ўхшатади. “Бу одамнинг ўз

<sup>19</sup>Tusi Nəsirəddin. Əxlaqi Nasiri. - Bakı: “Lider” nəşriyyatı, 2005. – B. 105.

вазифасига нисбати фалон одамнинг ўз вазифасига нисбати кабидир ва буларнинг бири ноҳақлик қилиб бошқасига зарар берса ва нисбатни бузса, аввалги адолат ва тенгликни барпо этиш учун шу одамга ҳам бу нисбатда ноҳақлик қилиниб, зарар берилиши керак. Шунинг учун ҳам одил одам деб, номутаносиб ва номуносиб нарсаларни мутаносиб ва муносиб шаклга келтира олган кишиларга айтадилар.

Диссертант фикрича, Тусий ҳар нарсада ўртача йўл, олтин ораликни аниқлай олиш ва уни идрок этиш борасидаги муаммоларга йўл бермаслик фақат тенглик натижасида бўлишини айтиб, унга “виждон овози” (илоҳий номус) деб, ном бергани таъкидланади.

